

“INFOLIB UZBEKISTAN – 2013” МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Infolib Uzbekistan – 2013” миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ўз ишини бошлади. Ҳафталикнинг ташкилотчилар томонидан “Очиқ эшиклар куни” деб эълон қилинган биринчи кунида “Ахборот-кутубхона фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Давра суҳбатида “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунни амалга ошириш, “Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳимлиги, электрон ва босма китоблар бозори шароитида ахборот-кутубхона муассасаларининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболи каби масалалар кўриб чиқилди.

“Infolib Uzbekistan –2013” ҳафталигининг дастлабки кунида нодир нашр ва қўлёзмаларни консервация ҳамда реставрация қилишга бағишланган семинар, ижодий учрашувлар, такдимотлар, экскурсиялар ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди.